

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИҚДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Арипов Ойбек Абдуллаевич,
НамДУ доценти, и.ф.н.
E-mail: oybekaripov@mail.ru

Аннотация: Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши кенг кўламларда амалга оширилмоқда. Бунда аёлларнинг ҳам меҳнатини ҳисобга олиш зарур. Бугунги кунда аёлларнинг ушбу сектордаги улуши тобора шаклланиб бормоқда. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Мақолада унга доир айрим масалалар тўғрисида мулоҳазалар юритилади.

Аннотация: В Узбекистане в широкомасштабной развивается малый бизнес и частное предпринимательство. В то же время, надо уделить особое внимание на женский труд. На сегодняшний день в этом секторе более увеличивается доля женщин. Однако есть проблемы. В статье определены некоторые мнения по поводу этих вопросов.

Abstract: In Uzbekistan, small business and private entrepreneurship are developing on a large scale. At the same time, special attention should be paid to women's labor. Today, the share of women in this sector is increasing. However, there are problems. The article defines some opinions on these issues.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, аёл тадбиркорлиги, аёллар меҳнати, иқтисодиёт тармоқлари, аёллар улуши.

Кириш

Бугунги кунда Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида аёллар учун доимий иш жойларини яратиш ва шу билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш вазифалари белгиланди ва амалга оширишга киришилди. Чунки республикаимиз Биринчи Президенти И.слом Каримов айтганидек, “...аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз”.

Дарҳақиқат, ўзбек аёллари жамиятнинг тараққиёти сари ўзгараётган муҳитда фаол иштирок этмоқдалар. Бу борада ҳам бугунги кунга қадар “...принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор” [7. 6 б.].

Маълумки, 2017 йил 7 февралда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли фармони асосида мукамал тарздаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилиб, бугунги кунда кучга кирган. Мазкур меъёрий ҳужжатнинг 3.4-бандида “...иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва

унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш” каби бажарилиши устувор бўлган вазифалар белгиланди [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатининг ролини ошириш ва ундан фойдаланишни илмий тарзда ўрганишга оид муаммолар турли давлатларда турлича ечимга эга бўлган. Масалан, ғарбда таниқли иқтисодчи олимларидан ҳисобланган Э.Гидденс, Г.Силласте, Т.Парсоннинг илмий ишларида аёллар меҳнатининг ролини ошириш бўйича илмий назарий ёндашувлар ишлаб чиқилган. Америкалик социолог олимлар Л.Вард В.Томос, А.Канте ва Г.Спенсер кабилар ҳам ўз илмий қарашларида аёллар меҳнатидан самарали фойдаланиш ва бунинг натижасида иқтисодиётнинг ривожланишига туртки берувчи ғояларини яратганлар.

Россиялик олимлар қаторида аёллар меҳнатидан фойдаланиш масалалари бўйича Э.Н. Фетшов, П.Сорокин, М.Ривкин, Т.Заславская, Т.Безденежник, С.Суханов ва Л.Бабаева кабиларнинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатининг роли ва уни ошириш, шунингдек, аёллар меҳнатидан фойдаланиш масалаларига оид фундаментал-назарий ва амалий муаммолар республикамизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг бир қатор асарларида ўрганилган. Шу кунларда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг амалий саъй-ҳаракатларида аёллар меҳнатидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда [7. 43 б.]. Қолаверса, Р.Убайдуллаева, Д.Рахимова, М.Собирова, С.Қосимова каби олимларнинг илмий мақолалари ва асарларида аёллар меҳнатидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёритишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги таниқли олимларнинг илмий асарлари, уларнинг мазмун, моҳияти ўрганилиб, мазкур хусусий секторни ривожлантириш ва унда аёллар меҳнатининг аҳамиятини ифодаловчи мавжуд кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги давр ўзгаришлари ва глобаллашув жараёнларининг кенгайиб боришига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрнини белгилаш ва бу борада ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳамон ўз ечимини кутмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, умуман, ҳаётнинг барча жабҳасини

модернизация қилишдаги иштирокини кенгайтириш учун муносиб шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда аёлларнинг камситилишини бартараф этиш ва уларни мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилиш учун барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Аёллар ва эркакларнинг тенглиги, аёлларни камситишга йўл қўймаслик масалалари Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига, шунингдек, Меҳнат кодексининг 6-моддасига кўра меҳнатга оид муносабатларда хотин-қизларни камситилиши таъқиқланади.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсидаги аҳолининг иқтисодий фаоллигини гендер ёндашувлари асосида таҳлил этадиган бўлсак, аёлларнинг меҳнатда бандлиги тобора ортаётганлигини алоҳида қайд этиш керак [8. 62 б.]. Айниқса, Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий фаоллигида аёлларнинг салмоғи бошқа давлатларга нисбатан анча юқориқдир (1-жадвал).

1-жадвал

Аҳолининг иқтисодий фаоллиги ҳақида маълумот

(фоизларда)

Худуд миқёси	Аёллар	Эркаклар
1	2	3
Дунё бўйича	53,1	80,3
Ривожланган мамлакатларда	50,4	67,5
Ўтиш давридаги мамлакатларда	51,0	70,5
Ўзбекистонда	68,9	72,7

Манба: Демоскоп weekly. Электронная версия бюллетеня Население и общество. Центр демографии и экологии человека Института народнохозяйственного прогнозирования РАН. –Москва. №377-378. <http://esa.un.org/unpp>


1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, агар дунё бўйича аёлларнинг иқтисодий фаоллиги энг паст кўрсаткичларда намоён бўлаётган бўлса, Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичи, ривожланган ёки ўтиш давридаги мамлакатлардаги ҳолатдан юқоридир.

Бироқ айнан эркакларнинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичи, дунё бўйича ўртача 80,%ни ташкил этган ҳолда, Ўзбекистонга тегишли худди шундай кўрсаткичдан 7,6 пунктга юқорилиги, келтирилган жадвалдан кўришиб турибди. Бу ҳолат эркакларни меҳнатда банд этилишидаги муаммоларни чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Ўз навбатида, мамлакат ички муҳитида аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси эркакларникидан паст. Шунга қарамай, аёллар учун таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, фан каби йўналишлар анъанавий меҳнат соҳаларига айланган.

Шундай қилиб, бошқа мамлакатлардагига нисбатан, Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий фаоллиги юқори даражада эканлигини ҳис этиш мумкин. Жумладан, иқтисодиётда банд бўлган хотин-қизларимизнинг улуши 45 фоизга етгани ҳамда улар орасида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ибрат кўрсатиб, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган аёлларнинг сафи тобора кенгайиб бораётганлигини, минглаб аёлларимиз тадбиркорлик соҳасининг турли йўналишларида ишлаб чиқариш

корхоналарини очиб, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратаётганлигини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ илмий изланишларимиз далолат берадики, тадбиркорлик билан шуғулланган аёллар билан эркаклар ўртасида ўзига хос жиҳатлар юзага келганки, улар фарқланмоқда. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг ривожланишида тадбиркор-аёллар билан тадбиркор-эркаклар ўртасидаги бу жиҳатлар фарқли тавсифлар асосида изоҳланмоқда (1-расм).



1-расм. Тадбиркор эркаклар ва тадбиркор аёллар ўртасидаги фарқ
Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ҳозирги даврга келиб, ер юзидаги аёлларнинг 0,4%и Ўзбекистонда яшайди. Мамлакатимиз аҳолисининг 15377,8 нафардан¹ зиёдини аёллар ташкил этиб, бу жами аҳолининг 50,2%ни қамраб олади². Бошқача статистика бўйича айтадиган бўлсак, мамлакатимизда 15-65 ёшгача бўлганларнинг 50,3%ни аёллар ташкил этади. Шундай экан, аёллар жамиятимизнинг ривожланишида салмоқли ўринни эгаллаб келмоқдалар. Аниқроғи, аёллар ўз меҳнати билан бозор субъектлари таркибида иштирок этиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшиб бормоқдалар. Масалан, “...охирги йилларда аёлларнинг ижро ҳоқимияти органларидаги иштироки 5 баробарга ўсиб, 3,4 фоиздан 16 фоизга чиқди” [10].

Аёллар миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш борасидаги чора-тадбирларда фаол иштирок этар эканлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатининг тобора оммалашаётганлиги аниқ ҳақиқатдир. Ҳозирги кунга тегишли статистик маълумотларга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 120 мингдан зиёд, фермер хўжаликларида 4550 дан ортиқ хотин-қизлар ўз бошқарувлари асосидаги хўжаликларини юритмоқдалар. Масалан, 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун 1255 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Бу эса 2014 йилга нисбатан олганда 130%ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг турли соҳалари тараққиёти, яъни «...фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўладими – мана шундай мураккаб вазифаларни аёлларимиз самарали адо этиб келаётганини катта ғурур ва мамнуният билан таъкидлаймиз» [б. 277 б.].

2015 йилда мамлакатимизнинг турли касб-ҳунар коллежларини битирган 230 мингдан кўпроқ қиз болалар ишга жойлаштирилгани, тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошлаётган 6 мингдан ортиқ ёш қизларга 51 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилгани ҳам аёллар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини таъминлашдаги салмоқли ишлардандир.

Фикримизча, бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида аёлларнинг меҳнатда бандлиги мавжуд. Айниқса, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёллар 27,8%ни ташкил этмоқда. Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам жами аёлларнинг 19,9% меҳнатда банддирлар. Шунингдек, савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот тармоқларида – 13,1%, соғлиқни сақлаш, жисмония тарбия ва ижтимоий таъминотда – 12,6%, саноатда – 10,9% аёлларимиз меҳнат қилишмоқда³.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, юқорида номлари келтирилган тармоқларда аёлларнинг бандлиги жамланганда 84,3%ни ташкил этган бўлса, иқтисодиётнинг қолган барча тармоқларда аёлларнинг бандлиги 15,7% атрофидадир.

¹ Маълумотлар 31 декабрь 2016 йил ҳолатига тўғри.

² Изоҳ: 2015 йил охирида аҳолининг 49,9%ни аёллар ташкил этган (муаллиф ҳисоблари).

³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Бу таҳлиллар миллий иқтисодиётнинг жами ҳолатини олганда тўғридир. Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, аёлларнинг бандликдаги салоҳияти янада ошади. Айниқса 18–40 ёшгача бўлган аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторидаги фаоллиги сезиларлидир. Масалан, жами фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 40%ни аёллар ташкил этади. Жумладан, қишлоқ жойларида яшайдиган аёллар кўпроқ қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган бўлсалар, шаҳар жойларида яшаётган аёлларимиз чеварлик, тикувчилик, қандолатчилик, косметология, таълим бериш (репетиторлик), соғлиқни сақлаш ва маиший хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларини кенгроқ камраб олганлар. Ҳозирги кунда бу каби соҳалар қишлоқ жойларида ҳам маълум даражада ривожланмоқда.

Шундай экан, аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик соҳасидаги интилишлари, миллий анъаналаримизни тиклашга ва урф-одатларимизни кенг тарғиб этилишига катта таъсир кўрсатмоқда. Масалан, бугунги кунда айниқса, миллий каштачиликнинг “ироқи”, “попоп”, “йўрма”, “тўлдирма” турларидаги маҳсулотлари, шунингдек, табиий бўёқларда тўқиладиган “араби”, “ғажари”, “жунхурс” каби гиламлари нафақат юртимизнинг аҳолиси, балки хорижий меҳмонларга ҳам манзур бўлиб келмоқда.

Эътироф этиш керакки, бугунги глобаллашув жараёнлари давом этаётган бир даврда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу секторда аёллар меҳнатининг ролини ошириш масалалари давлатимиз иқтисодиётининг ҳар томонлама юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш ва бундай меҳнатни самарали амалга татбиқ этиш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Аёллар меҳнатини кенгайтириш ва имкониятлар яратиш бориш борасидаги меъёрий ҳужжатлар асосида иқтисодиётни бошқаришни янгича ташкил этишнинг энг замонавий услуб ва қулайликларига эришилмоқда.

Шунга қарамай, Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек, аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала тўла-тўқис ҳал этилмапти. Шу нуқтаи назардан аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ҳиссаси тўғрисида мулоҳазалар бугунги кунда ўзига хос долзарблигича қолмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Дадил айта оламизки, ҳозирга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатининг ролини ошириш ва уни амалда кенг қўллашнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича орттирилган ижобий тажриба мавжуд, аммо аёлларнинг меҳнат фаолиятларини янада яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган вазифалар кўламини кучайтириш, қолаверса, энг муҳими уни ҳуқумат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш зарур.

Бироқ Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида мавжуд айрим камчилик ва муаммолар аёллар меҳнатидан фойдаланишдаги жараёнларда тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардандир. Шунинг учун Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “танқидий

тахлил, қатъий интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деган ўғитларига ҳамоҳанг фикр билдирар эканмиз, олдимизда қуйидагича муҳим вазифаларни ҳал этишимиз лозим [7. 43 б.]:

Биринчи вазифа – биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур.

Иккинчи вазифа – аёллар ўртасида жинойтчилик, оилаларда ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва нохуш масалаларга жиддий эътибор бериб, уларни бартараф этиш чораларини кўришимиз зарур.

Учинчи вазифа – аёлларни уларга муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласи бўлиб, аёллар учун доимий иш жойлари яратиш мақсадида оилавий бизнес, касаначилик, хунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишларини жадаллаштиришимиз керак.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш уларнинг меҳнатидан фойдаланишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини замонавий андозаларда жорий этиш;
- тадбиркорлик соҳасида аёллар саводхонлигини ошириш, малака даражасини яхшилаш мақсадида турли курсларни (имтиёзли) ташкил этиш ва ўқув марказлари фаолиятини кенгайтириш;
- меҳнатда банд бўлган аёлларни қўллаб-қуватлашда имтиёзли ёндашувларни қўллаш;
- меҳнат биржаларида меҳнат билан банд бўлмаган аёлларни иш билан таъминлаш тизимида алоҳида тадқиқотлар олиб бориш ва муаммоларини ўрганиш ҳамда шу асосда бандлик хизматини яхшилаш;
- қишлоқ жойларида яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мулкка эгалик хиссини кучайтириш;
- касаначиликни ривожлантириш асосида янги иш жойларини барпо этиш ва бунда замонавий соҳаларни ўзлаштириш.

Аёлларни бизнес билан шуғулланишига ундовчи асосий сабаб моддий рағбатдир, ўзини рўёбга чиқариш ва касбга қизиқиш иккинчи ўринда туради. Бу қандайдир, аёллар кўпчилигининг тадбиркорлик фаоллиги мажбурликдан гувоҳлик беради.

Шунинг учун ҳам “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да тижорат банклари томонидан аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банк хизматлари ва кредит маблағларига эҳтиёжи ўрганилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мазкур муҳим вазифа қамраб олинган ҳамда 2017

йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилгани, унинг ижроси таъминланаётгани айтиш мумкин бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг оқила, ораста, ишбилармон ва тадбиркор аёллари ҳар бир соҳа ривожига муносиб ҳиссаларини қўшиб борсалар, мамлакатимиз иқтисодиёти янада ривожланиб, юқори самараларга эришиб бориши муқаррар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли фармони// lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йил ПФ-5016-сонли «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони// lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида” ги 05.05.2017 йил ПФ-5037-сонли фармони// lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги ПҚ-2844 сонли «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори// lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги ПҚ-2746-сонли “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори// lex.uz

6. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008.

7. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

8. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Фан, 2012. – 272 б.

9. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. // Статистик тўплам. – Т.; 2016. – 160 б.

10. <http://kun.uz/news> (3 июнь 2015).